Е 90395

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 3 март, жума № 29 (21.792)

Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

1 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Маҳмуд Воизийни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларни муқаддас Рамазон ойи ва Ийд ал-Фитр байрами билан табриклар экан, Ўзбекистон ҳукумати Эрон Ислом Республикаси билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ниятида эканини айтди. Бу минг йиллар давомида таркиб топган ўзаро маданий алоқаларга эга халқларимиз манфаати учун хизмат қилишини таъкидлади.

СУРАТДА: қабул пайти.
Р. НУРИТДИНОВ тасвири.

Маҳмуд Воизий самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилди. У Эрон Ислом Республикаси Ўзбекистон билан турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга тайёр эканини айтди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпойгоний ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

1 март куни Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Николай Дудэу республикамиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи ишонч ёрлиғини топширар экан, Молдова Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ тарихга эга эканлигини таъкидлади. Ушбу алоқаларни бундан кейин ҳам ривожлантириш-га бор куч-ғайратини сарфлашини айтди.



СУРАТДА: ишонч ёрлиғи топшириш пайти.
Р. НУРИТДИНОВ тасвири.

Ислом Каримов Николай Дудэуни масъулиятли ва шарафли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, унинг икки мамлакат ҳамкорлиги йўлида самарали фаолият кўрсатишига ишонч билдирди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия алоқаларининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон ва Молдова Республикалари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликка кенг йўл очиб беришини таъкидлади.

(ЎзА).

МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МОВАРОУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИКНОМАСИ

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Муҳтарам ҳамюртлар, азиз биродарлар, мунис онахонлар ва опа-сингиллар!

Сизларни муборак Рамазон ҳайити байрами билан Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси номидан самимий табриклаймиз, сизларга жонажон диёримиз равнақи йўлида қилаётган барча хайрли ишларингизда ҳақ таолонинг ўзидан мадад сўраймиз.

Аллоҳ Таолога беадад шукрлар бўлсинким, Ийд Рамазон ҳайитини баркамол адо этишликка ўзи муяссар айлади. Бу улуғ айёмда қилган ибодатларимиз, хайрли амалларимизни Ҳақ Таоло даргоҳида қабул айлаб, ихлосу эътиқодимизга яраша туганмас хазинаи ғайбиясидан кўпдан-кўп ажру савоблар ато айлаган бўлсин.

Мана, тўрт йилдирки, ҳур диёримиз мусулмонлари Ийд Рамазон ҳайитини мустақиллик соясида зўр шоду хуррамлик билан кенг нишонламоқдалар.

Шунинг учун ҳам мўъмин-мусулмонларимиз Аллоҳ Таолога чексиз миннатдорлик изҳор қилиб доимий равишда ҳамду санолар айтадиларки, ватанимиз мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш тарзи, эл-юрт фаровонлиги янада равнақ топиб бормоқда. Айниқса, ҳукуматимиз, шахсан Президент Ислом ака Каримов жаноблари мусулмонларнинг диний маросимларни камолу ҳуррият билан адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. Жумладан, муборак ҳаж сафарига борувчи ҳожиларимиз учун катта қулайликлар яратилиши ҳамда ҳайит кунларини дам олиш куни қилиб белгиланиши диёримиз мусулмонларига кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик намунасидир.

Биз шуни мамнуният билан қайд этамизки, ҳукуматимизнинг олиб бораётган ички ва ташқи, одилона тинчлик сиёсати ҳамда иқтисодий ислоҳот бўйича кўраётган оқилона чора-тадбирларидан барча мусулмон аҳли бағоят мамнундирлар. Шунинг учун ҳам республика парламенти — Олий Мажлис билан республика ҳукумати — Вазирлар Маҳкамаси ваколат муддатларини мувофиқлаштириш мақсадида ўтказилаётган умумхалқ референдумига, яъни, муҳтарам Ислом ака Каримов жанобларининг Президентлик ваколатлари муддатини узайтириш маслаҳатига бизлар ҳам қўшиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Аллоҳ Таолодан жумҳуриятимизнинг порлоқ истиқболи йўлида ҳормай-толмай фаолият кўрсатиб боришларини дуою илтижолар билан сўраб турибмиз.

Муҳтарам биродарлар, мана шундай саодатли онларда дуога қўл очайлик: Ҳақ Субҳонаҳу ва Таоло ушбу муборак Ийд Рамазон ҳайити ҳурмати бандачилик билан қилган гуноҳларимиз, саҳву хатоларимизни ўзининг фазлу карами ила афву мағфират айласин. Мустақил мамлакатимизнинг халқларига фаровон турмуш, тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат, барча ишларида тавфиқу рушду ҳидоят ато этсин. Президентимиз Ислом ака Абдулғани ўғиллари раҳбарликларида олиб борилаётган хайрли ишлар истиқболли ва баракотли бўлишида Аллоҳ Таоло мададкор бўлсин. Келаси Ийд Рамазон кунларига ҳам соғ-саломатликда, тинчлик ва осойишталикда етиб боришлигимизни Ҳақ Таоло барчаларимизга насибу рўзи айласин.

Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси.

Ислом олами табаррук байрами — Ийд ал-Фитр муносабати билан юртимиз мусулмонларини муборакбод этамиз. Барча иймон-эътиқод соҳибларининг дилларидаги эзгу ниятлар, пок мақсад ва муддаолар амалга ошсин, юртимиз тинч ва обод бўлсин, Яратганнинг ўзи уни ёмон кўздан асрасин. Диёримиз мўмин-мусулмонларига қут-барака, эзгулик ва равнақ, уларнинг истиқлолимизни мустаҳкалаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, турмушимизни фаровон, маънавиятимизни юксак, ахлоқимизни пок бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатларига Оллоҳ таолонинг ўзи мадад берсин!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
Сиёсий ижроқўми.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий қутловларимни йўллаш менга мамнуният бағишлайди. Сизга бахт-саодат, мамлакатингизнинг қардош халқига муттасил равнақ тилайман.

Сизга зўр эътибор ва ҳурмат билан,
Зайд ибн Султон ол НАХАЙАН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларини самимий қутлашдан мамнунман. Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингизнинг қардош халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Мактум ибн Рашид ол Мактум,
Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти ва бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сизга самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бағишлайди. Сизга мустаҳкам саломатлик, мамлакатингизнинг қардош халқига фаравонлик ва равнақ тилайман.

Султон ибн Зайд ол Нахайан,
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий табриклар ва чин қалбимдан қизғин саломлар йўллаш менга улкан мамнуният бағишлайди. Сизга энг яхши истакларимни йўллайман ва мамлакатингиз халқига равнақ тилайман. Шу муқаддас кунларда қодир Оллоҳдан мусулмон оламига якдиллик ва мустаҳкам бирдамлик келтиришни илтижо қиламиз.

Жаноби олийлари Сизга зўр эҳтиром билан,

Саад ал Абдулла ас-Салим ас-Сабоо,
Валиаҳд ва Қувайт давлати Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Шахсан ўз номимдан ва Иордания Ҳошимийлар подшолиги халқи ва унинг ҳукумати номидан муқаддас Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан, жаноби олийлари, Сизга зўр мамнуният ила самимий қардошлик табрикларимни ва эзгу истакларимни йўллайман.

Шунингдек, Сизга мустаҳкам саломатлик ва бахт-саодат, қардош мамлакатингиз халқига тинчлик ва равнақ тилашимни маълум қилишни истар эдим.

ҲУСАЙН,
Иордания Ҳошимийлар давлатининг подшоси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Д. ҒУЛОМОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 2 март.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ СУДЬЯЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий суд судьялари лавозимига тақдим этиладиган номзодлар муҳокамасида Олий Мажлис қўмиталари иштирок этишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Ваколат муддатлари тугаётган Олий суд судьяларининг ваколат муддатлари Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясига қадар узайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИДА

Шу йилнинг 28 февралида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XIV пленуми бўлиб утганлигини, унда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган ҳамда 1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилганлигини хабар қилган эдик.

Пленум, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг 1994 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тинглаб, уни маълумот учун қабул қилди.

Пленумда ХДПнинг 1994 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва 1995 йил бюджети лойиҳаси муҳокама этилиб, унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Бошқа ишга ўтганликлари сабабли А. Мирқосимов ва А. Саидов Марказий Кенгаш котиби, Сиёсий ижроқўм аъзолигидан озод қилиндилар. Ф. Омонов ва Ғ. Машарипов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси таркибига сайландилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири вазифасида ишлаб келаётган Ҳ. Авезов Сиёсий ижроқўм аъзоси ва Марказий Кенгаш котиби — ташкилий ишлар бўлими мудири этиб сайланди.

Пленум партия Низомига Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари иккинчи қурултойида киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, Марказий Кенгаш Котибиятини тузди. Ўзбекистон ХДП МК котиблари ва партия Тошкент шаҳар, Андижон ҳамда Сурхондарё вилоят кенгашлари биринчи котиблари — Л. Ғуломов, Р. Мухторов, Ҳ. Эрматовлар унинг таркибига кирдилар. Пленум Б. Бойқобиловни «Мулоқот» журналининг бош муҳаррири этиб тасдиқлади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ КОТИБИ — МК ТАШКИЛИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ МУДИРИ ҲАБИБУЛЛА ҚУТЛИМУРОДОВИЧ АВЕЗОВ

1954 йилда Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги Янгиариқ қишлоғида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, 1979 йилда Тошкент политехника институтини, 1986 йилда Тошкент олий партия мактабини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1971 йили қурувчиликдан бошлаган. 1972—1974 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. 1974 йилдан 1981 йилгача ғишт терувчи, қурилиш ус-таси, прораб бўлиб ишлаган. 1981 йилдан партия ишида. Партия Янгиариқ тумани қўмитасида инструктор, бўлим мудири, иккинчи котиб, Хоразм вилояти қўмитасида бўлим мудири ўринбосари, Марказий Қўмитасида инструктор вазифаларида хизмат қилган. 1991 йилдан 1994 йилгача Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими, Хоразм вилоят кенгаши иккинчи котиби бўлиб ишлаган. 1994 йилдан Ўзбекистон ХДП МК Ташкилий ишлар бўлими мудири.

ИШ РЕЖАЛИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XIV пленумининг 1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги қарорига биноан, МК Сиёсий ижроқўми референдумини ўтказишда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан Тадбирлар режасини амалий ишда фойдаланиш учун жойлардаги ўз ташкилотларига юборди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт масалаларини ҳал қилишга хотин-қизларни кенг жалб этиш, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофаза этилганлигини кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари янги лавозими жорий этилсин. Унинг зиммасига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш билан боғлиқ масалаларни бошқариш юклансин. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Бош вазирнинг ўринбосари этиб тайинланади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари тегишли равишда хотин-қизлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимларини жорий этсинлар. Белгилаб қўйилсинки, мазкур лавозимларни тегишли хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эгаллайди.

3. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасида — 4 киши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида — 3 киши, шаҳар ҳокимликларида — 2 киши, туман ҳокимликларида 1 кишидан иборат ишчи органлари тузилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жорий этиладиган лавозимларни ва ишчи органларини таъминлаш учун зарур маблағлар ажратсин.

5. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 2 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯДА

1995 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссиясининг мажлиси бўлди.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорига мувофиқ ва референдум тўғрисидаги қонуннинг қоидаларига амал қилиб, асосий тадбирларнинг календарь режасини тасдиқлади. Бу режада аниқ ташкилий-техникавий чора-тадбирлар назарда тутилди ҳамда округ ва участка комиссиялари, тегишли вазирлик ва идоралар, вакиллик ҳокимияти маҳаллий органларининг референдумини тайёрлаш ва ўтказиш соҳасидаги вазифалари аниқлаб берилди.

Марказий комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари берган таклифларни кўриб чиқиб, референдумни ўтказувчи округ комиссияларининг таркибини тасдиқлади. Шунингдек, референдумда овоз бериш учун бюллетенларнинг, бошқа зарур ҳужжатларнинг шакл ва намуналари тасдиқланди.

Мажлисда референдумни ўтказувчи Марказий комиссиянинг ваколатларига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАНДИ

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузаси жойларда қизғин ўрганилмоқда. Абдулла Қодирий номли Тошкент давлат маданият институтида ўтказилган йиғилиш ҳам шу мавзуга бағишланди.

Олимлар, ижодкорлар, маҳалла оқсоқоллари ва талаба ёшлар иштирок этган бу йиғинда Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари ҳақида фикр юритилди. Шу йилнинг 26 март куни умумхалқ референдуми ўтказилиши қизғин маъқулланди.

— Президентимизнинг маънавият масаласига, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас, — деди академик Эркин Юсупов. — Чунки маънавий таназзулга учраган жамият иқтисодий жиҳатдан ривожланмайди. Шу боис одамларда миллий онгни ривожлантириш керак. Иймон-эътиқодли, халқи, Ватани учун ҳалол хизмат қиладиган фидойи ёшларни тарбиялаш лозим.

«Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири, Олий Мажлис депутати Азим Суюн юртбошимиз маърузаси истиқбол дастури эканини алоҳида таъкидлаб, Президент ваколатларининг узайтирилиши учун овоз беришга даъват этди. Шунингдек, профессор Малик Муродов, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Шавкат Мирзиёев, шу туман маҳаллалар қўмитаси раиси Сайфулла Оқмирзаев ва бошқалар ҳам референдум ўтказилиши ҳақидаги фикрни чин диллан қувватладилар.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ДАСТУРИ

Президент Ислом Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» тўғрисидаги маърузаси халқимиз томонидан ана шундай баҳоланмоқда.

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН СИЁСАТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг боришини ойнаи жаҳон қаршисида ўтириб тинглар эканман кўнглим тоғдай кўтарилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси жуда яхши таассурот қолдирди. Кейин уни газетада қайта-қайта синчиклаб ўқиб чиқдим.

Маърузадан Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари нақадар чуқур, нақадар узоқни кўзлаб ишлаб чиқилганлигига ишонч ҳосил қилдим. Агар ана шу тамойиллар босқичма-босқич бажариб борилса, Ўзбекистон яқин келажакда дунёдаги буюк давлатлардан бирига айланади.

Кейинги пайтларда бизнинг Маржонбулоқ шаҳримиз ҳам тобора ўзгариб, гўзаллашиб бормоқда. Янги иш жойлари, кичик корхоналар, бозорлар қурилаётир. Айни пайтда шаҳримиз аҳолиси 7,5 минг кишидан ошди. Уларнинг асосий қисми шаҳримиздаги бешта йирик корхонада меҳнат қилади. Булар олтин кони, тикув-трикотаж фабрикаси, Маржонбулоқ — Америка қўшма корхонаси, Сурия билан ҳамкорликдаги корхона ва автокорхонадир. Эндиликда биз одамларни иш билан таъминлаш учун қўшимча иш жойлари яратилишига интиляпмиз.

Мамлакатдаги кенг қамровли ишларга Президентимиз Ислом Каримов бош-қош. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 26 март якшанба куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорини қизғин қўллаб-қувватлаймиз.

Турсунбой РАББИМОВ,
Маржонбулоқ шаҳар ҳокими.

ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Президентимиз Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари бўйича қилган катта маърузалари шу вақтгача амал қилиб келинаётган бозор иқтисодига ўтишнинг беш тамойилларига тенг келадиган асосий дастуриламал бўлди десак янглишмаймиз. Зеро, бу беш тамойил мустақил республикамизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишида асосий дастур вазифасини ўтаб, ўзининг ҳаётийлиги ва аниқлиги билан кенг шуҳрат қозонди. Буни эса бир неча Ҳамдўстлик мамлакатларининг ва бошқа хорижий давлатларнинг бизнинг республикамиздан ўрнак олишга бўлган хоҳишидан ҳам билиш мумкин.

Айниқса, маърузада Президентимизнинг маънавият соҳасига тегишли айтган гаплари алоҳида аҳамиятга молик. Чунки мустақилликнинг иқтисодий асослари маънавият сарчашмалари билан узвий боғланиб кетгандагина ҳақиқий тўла, етук давлат шаклланади. Бунинг учун эса халқимизга буюк тарихий қадриятларимизни, урф-одату анъаналаримизнинг ривожланишига кенг йўл очиб беришимиз ва уларни янада бойитишимиз даркор. Зотан, ўз тарихини, миллий қадриятларини чуқур билган ва ундан ҳақли равишда фахрлана оладиган кишигина миллат, она-Ватан равнақи учун чин юракдан ёниб яшайди ва тер тўкади.

Агар биз бошқа давлатларнинг маънавият соҳасидаги ютуқларига эътибор берадиган бўлсак, улар ҳам фақат ўз миллий урф-одат, анъаналарини чуқур ўрганиши, уларни янада ривожлантириш ҳамда ундан чексиз фахрланиш туйғулари билангина эришгандир. Шунингдек, Президентимиз айтганларидек, маънавиятимиз, мафкурамиз умуминсоний қадриятлар билан боғланса янада бойийди ва гуллаб-яшнайди.

Қаҳрамон ЖЎРАЕВ,
Тошкент кимё-технология институти аспиранти.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

Тошкент Давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида сўзлаган маърузаси ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда университет ректори, академик Э. Т. Шайхов маърузадан келиб чиқадиган вазифалар хусусида нутқ сўзлади. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор, иқтисод факультети декани Б. Абдалиомов, аспирант М. Толипов, талабалардан Ғиёс Янгибоев, Ольга Юн Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари»га бағишланган маърузаси жуда катта аҳамиятга молик эканлигини, бу келгусида барча соҳалар учун асосий дастуриламал бўлиб қолишини таъкидладилар. Талаба Д. Хасанова барча олий ўқув юртлари талабаларига йиғилишда қабул қилинган очиқ хатни ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари Олий Мажлис биринчи сессиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласи бўйича 1995 йил 26 март куни референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Президентнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари»га бағишланган маърузаси ва сессия қарорлари ўқув дастурига киритилиб, талабаларга ўқитиладиган бўлди.

Баҳром РИХСИЕВ.
«Агроном» газетаси муҳаррири.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР БЎЛДИ

Президентимизнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасини оиламиз жамул-жам бўлиб, диққат билан тингладик. Маърузада республикамизнинг ривожи учун аниқ тамойиллар баён қилинди. Айниқса, биз оналарни ўйлантираётган масала болаларбоп мультфильмлар ва миллий қаҳрамонларимизни таърифловчи кинофильмларнинг ишлаб чиқарилмаётгани тўғри тилга олинди.

Республикамиз раҳбарининг маърузасида ҳамма ютуқ ва камчиликларимиз асосли далил билан баён этилди. Уни ҳар бир фуқаро ўзига дастуриламал қилиб олса, мавжуд муаммолар ўз ечимини топиб, тараққиёт сари дадил одимлашимиз мумкин.

Оналар фарзандларининг маънавий камолотига, ишчи-хизматчилар ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликка эътиборини жалб этиши керак, деб ўйлайман. Шунда юртбошимизнинг «Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим» деган сўзларига жавоб қилган бўламиз.

Зуҳра ТЕШАБОЕВА.
Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИ 1994 ЙИЛГИ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ ВА 1995 ЙИЛ БЮДЖЕТИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

1. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 1994 йилги бюджети 21392,3 минг сўм миқдоридаги даромадлар ва 18763,9 минг сум миқдоридаги харажатлар билан ижро этилганлиги ҳақидаги молиявий ҳисобот тасдиқлансин.

1994 йилда фойдаланилмаган маблағларнинг 2628,4 минг сўм миқдоридаги қолдиғи 1995 йилда фойдаланиш учун Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва вилоятлар кенгашлари тасарруфида қолдирилсин.

2. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 1995 йилги бюджети, Марказий Кенгаш, Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларининг бюджетларини қўшган ҳолда, даромадлар бўйича — 42674 минг сўм харажатлар бўйича — 43480 минг сўм, миқдорда тасдиқлансин.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ишлар бошқармасига мансаб маошлари ва тариф ставкалари ўзгариш, энергия воситаларининг нархи, алоқа хизмати тарифлари ошиб бориши давомида партия бюджети кўрсаткичларига аниқликлар киритиш, бунинг учун Сиёсий ижроқўмга муҳокама қилиш учун тегишли таклифларни тайёрлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари тафтиш комиссиялари иштирокида партия маблағларидан тўғри ва оқилона фойдаланиши устидан назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

МК Ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда даромадларни кўпайтириш ҳамда молиявий маблағлар ва моддий воситаларни тежаб-тергаб ишлатиш режимини кучайтириш, партия бюджети камомадини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари партия аъзолик бадалларини тўлаш ҳақидаги Низом талабларини сўзсиз бажариш юзасидан партия аъзоларига нисбатан талабчанликни оширсинлар.

СЕРЖИЛО ВА НАФИС

Тошкент туманидаги кичик ва хусусий корхоналарда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бормоқда. Жумладан, фақат ўтган йилнинг ўзидагина улар куч-ғайрати билан салкам 24 миллион сўмлик маҳсулот савдо тармоқларига чиқарилди.

Айниқса, Ҳ. Нурмуҳамедов раҳбарлик қилаётган «Хиёбон» кичик корхонаси тақдим этаётган чиройли нақшли чойнак-пиёлалар харидорлар дидига мос тушмоқда. Бунинг сабаби шуки, 25 нафар аъзони бирлаштирган корхона жамоаси Тошкент чинни заводи билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Илғор технология эса улар мушкулини осон қиляпти. Корхона директорининг маълум қилишича, ҳадемай, чойнак-пиёлаларнинг сержило, нафис нақшлар билан безатилган янги турлари ишлаб чиқарила бошланади.

А. НАБИЕВ

Ғалла мустақиллиги йўлида

ОТА ЎГИТИ — МУҚАДДАС

Ғалла ўсаётган чексиз кенгликларга, қир-адирларга йўл оларкансиз, ям-яшиллиқдан дилингиз яйрайди. Республика ғалла мустақиллигига эришадиган кун яқинлигини ҳис этасиз. Айни чоғда ғаллакорлар меҳнатидан астойдил ғурурланасиз. Фориш туманидаги Мусоқул Оролов номли ижара ширкатлари бирлашмаси ғаллазорларини оралганда шундай туйғуларга бериласан киши. Ғаллакорларнинг чиллада сепиб чиққан маъдан ўғитлари ғалла майсаларига аллақачон «дармондори» бўлиб сингиб кетган. Энди маҳаллий ўғит бериш керак — тупроқни қиздиради, илдизларни теранлаштиради, ғалла тез ўсади. Шунинг учун бирлашмада алоҳида звено тузилиб, ҳар куни далаларга 60—70 тонна маҳаллий ўғит чиқарилмоқда. Бусиз ҳам ҳозир ғалланинг бўйи 40 сантиметрдан ошиб қолди. Бирлашма миришкорлари катта ният билан 8200 гектар майдонга ғалла экишган. Мўлжал — 5 минг тонна дон етиштириш. Шунинг 4 минг тоннасини уруғликка сотишади. Республика Президентининг пахта ва бошоқли дон экинларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни рағбатлантириш ҳақидаги Фармони ғаллакорларнинг руҳини янада кўтариб юборди. Ахир, даромад ошадиган бўляпти-да!

Бирлашма ғаллакорлари лалми ерларда ҳосил етиштиришади. Лалмикорликнинг ўзига хос сир-асрори, мураккабликлари бор. Экинни озиқлантириш ва парваришлашда хатога йўл қўйиб бўлмайди. Лекин бирлашмада ишнинг кўзини биладиган, ғаллачилик илмини «сув қилиб» ичиб юборган кўплаб миришкорлар борки, улар ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, белгиланган режаларни ошиғи билан уддалашмоқда. Булар — ширкат раислари Музаффар Эсиргапов, Анорбой Ҳазратқулов, Норбек Холбоев, бригада бошлиқлари Нурбой Исроилов, Абдужаббор Омонтурдиев, Ҳамза Кароматов ва бошқалар. Ана шу тажрибакорлар бошлиқ жамоалар ҳар йили ҳосилдорликни режадагидан 2—3 центнер ошириб келмоқдалар. Шу сабабли ҳам ўтган йили бирлашма бўйича режадаги 4400 тонна ўрнига 4600 тонна ғалла сотилди. Агар бунга ўз эҳтиёжлари учун олиб қолинган 500 тонна, уруғликка қолдирилган 600 тонна дон ҳам қўшилса, ғаллакорлар ниҳоятда самарали меҳнат қилгани аён бўлади.

Бирлашмага ёш ва иқтидорли мутахассис Мамадиёр Оролов раҳбарлик қиляпти. Хўжалик раҳбарлигини отаси Мусоқул Ороловдан қабул қилиб олган эди. Қарийб 25 йил директор бўлиб ишлаган падари бузруквори тоғ дарасида элга мерос бўлгулик бир боғ яратиш орзусида нафақага чиқар экан, «Халқни ва ерни алдамасанг, обрў топасан», деган эди. Отаси ниятига етди, бутун Жиззах вилоятида кўз-кўз қилишга арзийдиган боғ яратди ва элга қолдирди. Мамадиёр ҳам доим халқ билан бирга яшаб, обрў қозонди. Ота ўгитини муқаддас билиб, ерни уруғликдан, озуқадан алдамади. Шунинг учун она-замин ҳам бутун хайру саховатини эҳсон этмоқда. Буни бирлашма боғлари ва узумзорларидан бултур 100 тоннадан зиёд олма, 10 тонна бодом, 120 тонна узум, кўплаб ўрик, нок ва бошқа мевалар йиғиб олингани ҳам кўрсатиб турибди. Давлатга сотилган кўплаб пилла, жун, қорақўл тери, гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ҳам ана шу танти ер саховатидан.

Бирлашма ғаллакорлари шу кунларда ғаллазорларни яхши парваришлаш билан бирга ўрим-йиғимга ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Мавжуд 45 та комбайн ва керакли ташиш уловлари сифатли таъмирлаб қўйилди. Ғаллакорларнинг интилиш ва меҳнатларидан бу йил ҳам ғалла ҳосили мўл, уни ўриб-йиғиб олиш эса янада соз бўлиши кўриниб турибди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУҲИМ МАВЗУДА ЙИҒИЛИШ

Ўлкамизда баҳор нашъаси кезиб юрибди. Кўкламги мавсумга тайёргарликни яна бир назардан ўтказиш, фойдаланилмай қолган имкониятларни биргаликда баҳамжиҳат ишга солиш айниқса, ҳаётий заруратдир. Халқ-ободда Янгийўл тумани агрофирма раҳбарлари, жамоа хўжаликлари бошқаруви раислари, ҳосилотлар, энтомологлар, бригада бошлиқлари ва боғбонлар иштирокида ўтказилган семинар-йиғилиши ҳам ана шу мавзуга бағишланди.

Йиғилиб қолган муаммоли масалалар ечимини топиш ҳамда жорий йил учун муҳим вазифаларни белгилаб олиш юзасидан маърузалар тингланди ва ўзаро фикр алмашинди.

Шунингдек, семинар-йиғилиш иштирокчилари Р. Шредер номли мевачилик ва узумчилик илмий-текшириш институти ҳамда «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни етакчи мутахассисларининг амалий ишлари билан ҳам танишдилар.

Абдунаби МАННОПОВ.

Тадбиркорлар тажрибасидан

ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА



Ўлкамизда кўп тармоқли иқтисодиётнинг ўзига хос тамойиллари янада теран кўринишда шаклланмоқдаки, товарлар, сармоя ва қимматли қоғозлар бозори, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг турли усуллари жорий этилмоқда.

«Транстуркистон»халқаро транспорт-экспедиторлик-акционерлик компанияси аҳоли, давлат корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек, кўпгина хусусий фирма ва ширкатлар, қўйингки, барча ишлаб чиқариш тармоқларига хизмат кўрсатишнинг ўзига хос йўлини танлаган.

Республикамиз мустақиликка эришгач, олис хориж ва МДҲ давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар тизими тубдан ўзгарди, яъни унинг моҳияти ва салоҳияти кенгайди.

— Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхоналар, ташкилотлар ва хорижий фирмаларнинг маҳсулотларини экспорт қилиш, етказиб бериш ва ташқаридан товар олиб келишдек муҳим масала ҳаётий заруратга айланган бир пайтда ва республикамиз Президентининг 1992 йил 24 июлдаги «Ташқи иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб қилиш ва ҳимоялаш тўғрисида»ги Фармонига биноан 1993 йил июнь ойида биринчи қалдирғоч сифатида республика тарихида илк бор «Транстуркистон» нодавлат ҳалқаро транспорт-экспедиторлик-акционерлик жамиятини туздик, — дейди компания бош директори Абдувоҳид ака Абдуҳолиқов.

Дарҳақиқат, хизмат кўрсатишнинг бу тури ҳали ўзлаштирилмаган янги тармоқ. Унинг фаолият доирасига у Ўзбекистон ва хорижий компаниялар, фирма ҳамда ташкилотлар ўртасида олиб бориладиган ташқи иқтисодий ва савдо алоқаларини амалга оширишда Ўзбекистон миллий ҳаво йўллари компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» ҳамда юк ортиш ва ташиш автотранспорт корхоналари билан ҳамкорликда транспорт-экспедиторлик хизматини амалга оширади, яъни, унинг хизмат турини янада ойдинлаштириб шуни айтиш лозимки, асосий вазифа экспорт қилинаётган ва импортга олиб келинаётган шартномалар рентабеллигини ошириш ҳамда товарларни энг қисқа муддат ичида ўз манзилига етказиб бериш ҳамда ушбу ишларга алоқадор ҳужжатларни расмийлаштириш киради. Бундан ташқари, транспорт идораси билан ҳамкорликда божхона тартиб-қоидаларига риоя этган ҳолда, маҳсулот экспорт қилувчи корхона ё ташкилотнинг юклари учун божхона ҳужжатларини расмийлаштириб беради. Демак, маҳсулот ишлаб чиқарувчи учун энг муҳим омил — вақт тежалади, ҳужжатлаштириш учун овора бўлишмайди, компанияга буюртма берилса бас, ҳаммаси қонуний ҳал этилади.

Юқорида айтилганидек, хизмат кўрсатишнинг бу тармоғи ҳали янги, эҳтимол у баъзиларга ғалати туюлиши мумкин. Бироқ ривожланган хорижий мамлакатларда мазкур тармоқ яхши шаклланган ва такомилига етган. Компаниянинг ҳаракат мезони эса худди ўшаларнинг иш тажрибалари асосида уйғунлашган ва умумлашган ҳолда олиб борилади.

Компания ҳали ёш бўлишига қарамай Финляндия, Германия, Италия, АҚШ, Жанубий Африка Республикасида, Жанубий Корея, Япония, МДҲ мамлакатларидан Россия ҳамда Қозоғистон сингари 23 та давлатнинг 68транспорт-экспедиторлик компаниялари билан амалий алоқалар ўрнатишга эриша олди. Унинг Ўзбекистондаги мижозлари ҳам тобора ортиб бормоқда. Шу кунларда «Навоийазот», Чирчиқ электр кимё саноати, «Ўзбексавдо» ташкилотлари, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти, «Ўзулгуржиташқисавдо», «Ўзбектуризм»дек йирик ташкилотлар унинг доимий мижози эканлигини айтиб ўтмоқ даркор. Улар мижозининг ортиб боришига асосий сабаб компаниянинг ягоналиги эмас (ҳозирча бундай компаниялар республикамизда 20 тага яқин), балки хизмат ҳақининг жаҳон талаблари даражасида эканлигини мамнуният билан айтиб ўтиш лозим. Компанияда хизмат ҳақи юк ортиш, тушириш, элтиб бориш ва ҳужжатлаштиришга кетадиган харажатларнинг атиги 1,5 — 3 фоизини ташкил этади, холос. Ваҳолонки, бошқа шу турдаги компаниялар ўз хизмат ҳақини нисбатан юқори белгилаган.

— Қизиқ, хизмат ҳақини сизлар ҳам бироз кўтарсангиз бўлмайдими? — деган саволга Абдувоҳид ака шундай жавоб берди:

— Биз учун асосий вазифа мижозларни кўпайтириш, нархни қанчалик баландлатсанг, мижозинг шунчалик камайиб бориши оддий ҳақиқат. Бундан ташқари, хизмат кўрсатишни жаҳон талаблари даражасига кўтармоқдамиз. Бунинг исботи ўлароқ яқинда Тошкентдаги Шумилов станциясида Швейцария ва Россия билан ҳамкорликда 20 ва 40 тонналик контейнерларга ишлов берувчи ва комплекс (сервис) хизмат кўрсатувчи «Шоштранс» қўшма экспедиторлик корхонасини очдик.

Компания 1994 йилда Ўзбекистоннинг 100 дан ортиқ давлат ва нодавлат корхоналарига, шунингдек, 40 га яқин Ҳамдўстлик мамлакатларидаги компанияларга транспорт-экспедиторлик хизматини кўрсатиб, йилнинг иккинчи ярмида 250 минг тоннадан ортиқ юкни манзилига бешикаст ва бехижолат етказиб беришни уддалаб, мижозлари таҳсинига сазовор бўлди. Бироқ бу уларда барча ишлар бинойидек кетмоқда дегани эмас. Уларда ҳам муаммолар талайгина. Бинобарин йирик мутахассис экспедиторлар етишмади. Шу боисдан Тошкент автомобиль йўллари институтида ёки Тошкент темир йўллари транспорти институтида экспедиторлик бўлимини очиш уларнинг орзуси.

Иккинчи масала Ўзбекистонни ўз савдо флотини ташкил этиш. Бундай флот собиқ Иттифоқ даврида мавжуд эди, ўша даврда Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқ савдо флотидаги улуши беқиёс эди. Лекин кейинчалик негадир у тугатиб юборилди. Яна бир муҳим масала: Фарғона водийсига хизмат кўрсатиш учун қўшни республика — Тожикистон темир йўллари орқали ўтишга тўғри келади, йўл олислиги ҳам чўнтакка зиён. Шу ўринда беихтиёр Ангрен довони орқали ўтиладиган йўлни қайта таъмирлаш муаммоси кўндаланг бўлади. Лекин компаниянинг 55 кишилик ёшлар жамоаси бу муаммолар қаршисида қўл қовуштириб ўтирадиганлардан эмас. Оллоҳ ҳам сендан ҳаракат — мендан баракат, дейди. Улар давлат бюджетига оғирлик келтирмасдан даромад топишга ҳаракат қилишмоқда. Ахир Ўзбекистон имкониятларга бой мамлакат. Шунинг учун ҳам жаҳон унга юз тутмоқда.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТ ЎЛДИРИЛДИ

«Останкино» телерадиокомпаниясининг машҳур журналистларидан бири Владислав Листьев ваҳшиёна ўлдирилганлиги ҳақидаги шум хабар ўтган чоршанба куни кечаси бутун дунёга тарқалди. У ишдан қайтаётиб уйи йўлагидаги номаълум кимсалар томонидан икки марта кетма-кет ўқ узилиши натижасида ҳалок бўлди.

Владислав Листьев бор-йўғи 38 йил умр кўрди. Лекин шунга қарамай тажрибали ижодкор эди. У бошлаган кўрсатувлар кўпчилик томошабинларнинг қалбидан жой олганди. Масалан у ташкил этган «Нигоҳ» кўрсатувини олайлик. Ёки бўлмаса «Муъжизалар майдони», «Мавзу», «Тиғиз пайт» сингари телекўрсатувлар ҳам одамлар назарига тушганди. Буларнинг барчаси минглаб томошабинларга манзур бўлганди.

Айни пайтда журналистнинг қотили қидирилмоқда.

ДИПЛОМАТЛАР ЧАҚИРИБ ОЛИНМАЙДИГАН БЎЛИНДИ

Яқинда АҚШда эълон қилишларича, Парижда саноат ва дипломатик айғоқчиликда айбланаётган дипломатик ходимлардан ҳеч бири чақириб олинмайдиган бўлди. АҚШ давлат департаменти вакилининг баёнотига кўра Париждаги дипломатлар ўзларининг хизмат йўлланмалари муддати тугаганидан сўнгтина ўз юртларига қайтиб келадилар.

Лекин шунга қарамай Франция ташқи ишлар вазири Ален Жюппе америкаликларнинг Франциядаги айғоқчилиги билан боғлиқ масалаларни ҳукумат даражасида текширишни талаб қилди.

ЎҒРИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Гонконг полицияси томонидан ўтказилган 11 соатлик операция натижасида жиноятчилар дунёсининг 40 дан ортиқ таниқли вакиллари қўлга тушди. Бундан ташқари юзлаб наркотик моддалар билан савдо қилувчилар ҳам ушланди. Бу операция шаҳарнинг энг пастқам жойларидаги кварталларда ўтказилган эди.

ХАЙРИЯ ТУФАЙЛИ ҚУРБОН БЎЛГАНЛАР

Бангладеш пойтахти — Дакка шаҳрида хайрия сифатида камбағалларга текинга кийим-кечаклар тарқатилаётган пайтда тўполон натижасида 6 та бола ва бир аёл ҳалок бўлишди. Бир неча киши оғир ярадор бўлди. Белгиланган вақтда, эрта тонгда минглаб қашшоқлар хайрия маросими ўтказилиши мўлжалланган мактаб ёнига тўпландилар. Ниҳоят дарвоза очилгач, одамлар тўдаси кичик йўлакка бирданига ташланди. Натижада бир қанча одамлар оломоннинг тагида қолиб кетди.

РЕСТОРАНЛАР ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТМОҚДА

Хитойнинг йирик шаҳарларидаги ресторанлар инқирозга юз тутмоқда. Чунки, хўрандалар сони кундан-кунга камайиб бораётир. Пекин шаҳридаги 20 минг ресторан ва тамаддихонанинг ҳар ўнтадан биттаси ёпилмоқда. Ушбу таназзулга солиқнинг ошиб бориши ҳам сабаб бўлаётир.

АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИ УЧУН

Нил дарёсидан жами 250 миллион аҳолига эга бўлган 10 та давлат фойдаланади, деди Танзания сув хўжалиги вазири Ж. Макветта Нил бўйи давлатлари сув хўжалиги вазирларининг Аруша шаҳрида ўтган учрашувида. Анжуманда Нил дарёси бўйини узлаштириш учун 100 миллион доллар маблағ ажратиш ҳақидаги лойиҳа тасдиқланди. Ушбу маблағ Нил бўйини ривожлантириш, атроф-муҳитнинг тозалигини сақлашга сарфланади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

«Кимиёи Саодат»дан

Ҳазрат Алишер Навоий айтадики: «Киши таълимдин топса малолат, Топар илм аҳли олдинда хижолат». Шоир бу фикрини мантиқий давом эттириб, айтадики: «Биравким қилса олимларга таъзим, Қилурки гўё пайғамбарларга таъзим».

Даҳо шоирнинг буюк олимларни пайғамбарлар даражасида кўриши бежиз эмас. Чунки: «Ҳадис ўлмиш набийдин буйла Ҳодис, Ки олим келди пайғамбарларга ворис».

Табиийки, ҳар қандай олим ҳам бундай шарафга лойиқ эмас. Лекин Шарқ ва Марказий Осиё халқлари тарихида шарафли мартабага сазовор буюк алломаларимиз кўп. Шулардан бири Навоийдан тўрт аср аввал Хуросонда, Тус шаҳрида таваллуд топиб, ижоди билан асрлар давомида жаҳон фалсафаси тамал тошини қўйган буюк аллома Зайниддин Муҳаммад Ғаззолийдир. Унинг исми-шарифи ва асарлари шўролар даврида атай яшириб, таъқиқланиб келинди. Тилга олинса ҳам «реакцион файласуф», «ашаддий диндор» деб қораланди. Ҳолбуки, имом Муҳаммад Ғаззолий ўзининг машаққат ва риёзатлар билан кечирган умрида «Ихйа ал-улум аддин» («Диний илмларнинг тирилиши»), «Мақосидул фалосифа» («Файласуфларнинг мақсадлари»), «Тахофутул фалосифа» («Файласуфларнинг ихтилофлари»), «Қистосул мустақим» («Ҳақиқат мезонлари»), «Ал-мунқиз мин аз-залол» («Янглишувлардан халос этувчи»), «Жавоҳирул Қуръон», «Мишкотул анвор» («Зиё чироғлари») каби дурдона асарлари билан Шарқ ва Ғарб илм-фанига катта таъсир кўрсатди, кейинчалик Ибн Рушд, Ибн Ҳалдун, Рене Декарт, Давид Юм, Георг Гегель каби файласуфларнинг юзага келишига майдон очиб берди.

Имом Зайниддин Ғаззолийнинг укаси имом Аҳмад Ғаззолий эса буюк мутасаввиф авлиёлардан бўлиб, Жалолиддин Румий уни порлоқ юлдузларга тенглаштирган эди. Кейинги вақтда Муҳаммад Ғаззолий ижодини Бўривой Аҳмедов, Қавомиддин Мунировв, Абдуқодир Зоҳид, Масъудали Ҳакимжон, Абул Бозор, Поён Равшан каби олимлар тадқиқ этиб, ҳайрли иш қилдилар.

Зайниддин Муҳаммад Ғаззолийнинг сизларга айрим боблари тақдим этилаётган «Кимиёи саодат» асари унинг энг салмоқли, салобатли «Ихйа ал-улум ад-дин» асарининг оммабоп мухтасар шаклидир. Асарда инсон дили оламидаги ажойиботлар, унинг маънавий камолотига тўсқинлик қилувчи, дили, иймонига хавф солувчи — муҳликот, залолатлардан огоҳ этилади ва юксак, улуғ мақсадларга эришиш йўллари кўрсатиб берилади.

Маҳкам МАҲМУД, Абдуллоҳ УМАРЗОДА.

Зайниддин Муҳаммад ҒАЗЗОЛИЙ

ДАҚОИҚИ ЗАКОТ

(Бойликдан закот беришнинг нозик томонлари)

ЗАКОТ ШАРТЛАРИ ОДОБИ

Агар киши ибодати Ҳақ даргоҳида ижобат этилишини хоҳласа етти дақиқани (нозик шартни) эҳтиёт бирла лузум тутғай.

Аввалги дақиқа. (Ғаний) закотни барвақтроқ беришга таъжил қилғай (шошилғай). Мунда уч фойда ҳосил бўлур. Аввалги фойда улки, (Ҳақ йўлида) ибодатга рағбати маълум бўлур. Агар йил тамом бўлгонда берса, гарданида вожиб бўлгон фарзни адо қилгон бўлур. Агар бермаса, Ҳақ таолонинг азобиға гирифтор ўлурким, ул вақтда (кечикиб) берса, азобдан қўрқиб берган бўлур. Ҳақ-таолонинг дўстлуғи ва бандалиги жиҳатдин берган бўлмас. Иккинчи улки, (вақтлироқ берилса) дарвешлар кўнглига вақтлироқ шодлик еткурган бўлурким, бунда дарвешлар дуони ихлос бирла қилурлар. Дарвешлар дуоси ҳамма офат ва балоларга хисор (қўрғон) бўлғусидир.

Учунчи. Замона кажу фитнасидин эмин бўлурким, таъхир (закотни беришни кечиктириш)да офат бисёрдур. Эҳтимоли борким ҳодисае жиҳатидин бу хайротдин (яхшиликлардан) маҳрум бўлғай. Вақтики, хайр қилмоқни рағбати (хоҳиш, истаги) кўнглингда пайдо бўлса, ғанимат билғайсенким, Ҳақ-таолони назар раҳматини таъхир қилмағайсен, токим шайтон заҳматини кўрмагайсен. «Қалбул муъминийна байнал исбаъийни мин асобиъир-раҳмон».

Бузруклардин бири халожоға кирганда кўнгилларига туштиким, кўйлакларини дарвешга бергай. Дарҳол бир муридини қичқирди, кўйлакларини (ечиб) берди. Муридлари айдиким: «Эй, шайх! Нима учун сабр қилмадингиз?». Халожодин чиқиб бергай эрдингиз». Шайх дедиким: «Қўрқтимки, халожодин чиққунча шайтон васваса қилиб, бу хайрдин тўхтатғай».

Иккинчи дақиқа улким, закотни муҳаррам ойинда бергайким, йилни аввали ҳам моҳи муборакдур. Ва ё моҳи шариф рамазонда бергай. Вақтли ҳайр қилиш шарифроқдур. Савоби ду (икки) чандонроқ бўлғусидир.

Ҳазрати расули акрам ҳамма халқни сахийроғи эрдилар. Дунёлиқдин ҳар нимарса бўлса, ҳаммасини рамазонда хайру садақа қилур эрдилар.

Учунчи дақиқа. Закотни махфий бергай. Токим риёдин йироқ ва ихлосга яқинроқ бўлғусидур. Хабарда келибдурким, махфий садақа Ҳақ-таолонинг ғазабини паст қилур. Хабарда келибдурким, қиёмат куни етти тоифа Аршнинг соясида бўлур: бири подшоҳи одил. Яна бири садақа бергучиким ўнг қўли билан берганни чап қўли туймагай, яъни билмагай. Бас, ажаб улуғ даражадурким, подшоҳи одилнинг даражаси бирла баробар бўлғай. Хабарда келибдур, кишиким, махфий садақа берса, махфий амаллар номасиға битилур. Ва агар «мен бу тариқа садақа бердим», деб миннат қилса ва фахр-нозиш қилса, зоҳир ва ботиндаги яхши амалларини ўчурур. Риё бирла иш қилғучилар дафтарига битилур.

Ушбу сабабдин саҳоба ва тобеъин ризвоналлоҳи анҳум ажмаъийн пинҳон садақа бермакда чандон муболаға қилдилар. Баъзилари нобино (кўзи кўр) дарвеш қўлига садақани бериб, танумасун деб, асло сўзламас эрдилар. Баъзилари ухлаб ётган дарвеш киссасига садақа солиб қўяр эрдилар. Ва баъзилари дарвешлар юрур йўлларига ташлар эрдилар. Ва баъзилари вакилга топшурур эрдилар. Токим вакил дарвешларга топшургай.

Бас, садақани пинҳон бермоқ важҳи буким, ошкора берса эҳтимоли борким, кўнгилда риё пайдо бўлғай. Ва агар бахиллиқ, ёки риё пайдо бўлурким, сифоти муҳликдур (ҳалокатли). Ва лекин бахиллиқ чаёнга ва риё-илонга ўхшашдурким, қавийроқдур, (кучлироқдур). Бу икки сифатни асари гўрда йилонни (илонни) ва чаённи ваҳмига ўхшашдур. Чунончи, «Унвони мусулмоний»да баён қилинди. Садақани ошкора бермакнинг зарари бордур.

Тўртинчи дақиқа улким, агар риёдин эмин бўлса, ва билсаким, агар ошкора садақа берсам халойиқ садақа бермакка роғиб (рағбатланган, мойил) бўлурлар (деса), бу тариқа кишига ошкора садақа бермак дурустдур. Ва дарвешлар риёдин эмин бўлмоқ ул вақт бўлурким, кишиким, яхши-ёмон демаги анинг наздида баробар бўлса, ва ҳамма ишларда Ҳақ-таолонинг қудратига иктифо (қаноат) қилса.

Бешинчи дақиқа улки, садақани миннат қилмоқ бирла зойеъ қилмагай. Чунончи Аллоҳ таоло хабар берур:

Оят:

Ло тубтилуу садоқатикум бил-манни валъазо. (Бақара сураси, 264-оят) Оятнинг тафсири улким:

«Ботил ва зойеъ қилманглар садақангларни. Миннат қилмоқ ва изо (изза) еткурмак бирла». Изонинг маъниси дарвешларга рўй турушлуқ (бадқовоқлик) қилмоқ, қўпол сўзламоқ, ва ҳақорат назари бирла қарамоқдур. Бас, миннат қилмоқ ва изо (озор, ранж) еткурмоқ, икки навъ жаҳолатдин ва ҳамқатлик (ахмаклик)дин пайдо бўлур. Бири улки, қўлидаги пулни кишига бермоқ душвор кўринур. Бу сабабдин тунгдил (совуқ юрак) бўлуб, қўпол сўзлар.

Бас, кишиким, дирам бериб, минг яхшиликни олмоғи душвор бўлса, камоли жаҳолатдурким, закот бермак бирла фирдавси аълони ва ризойи Ҳақ-таолони ҳосил қилур. Ва ўзини дўзах ўтидин халос айлар. Бас, охиратга иймони бирла борур бўлса, ҳар кишига закот бермоқ нечук душвор (қийин) бўлғусидур?

Иккинчи ҳамоқат улки, ўзини тавонгарлиги (бой, бадавлатлиги) сабабидин дарвешлардин шарофатли билур. Бас, дарвешларнинг бу жаҳондаги шарофати нишонаси улки, товонгарлар дунёнинг машғуллиғи ва мол, зар топмоқнинг машаққатиға вобастадурлар. Ҳақ-таоло тавонгарларга вожиб қилибдурким, дарвешлар ҳожати миқдорини еткургай. Бас, дарҳақиқат тавонгар (бой)лар бу жаҳонда дарвешларнинг мусаххари (уларга боғлиқ) ва тобеъидурлар. Ва охиратда беш юз йил дарвешларга интизорлиқ бирла беҳиштга киролмай турарлар.

Олтинчи дақиқа улки, (давлатманд берган хайри, закотига) миннат қилмағайким, миннатнинг асли жаҳолат ва нодонликдиндур. Садақа бермак бирла гумон қилурки, «Дарвешларга садақа қилдим, эмди менинг зердастимда (қўл остимда- бўлдилар». Андин кейин умид тутарким, дарвешлар анга хизмат қилғай. «Ва илгари менга салом қилғай. Ва ҳамма ишда ани иззатини қилғай». Вақтики, дарвешлардин тақсир (камчилик, айб) ўтса, чандон таажжуб қилурким, мунча яхшилиқ қилсам, хизматимда тақсир қилғай. Бас, бу камоли жаҳолат ва ҳамоқатдур.

Дарҳақиқат, дарвешнинг камоли дўстлуқи ва шафқатидурки, садақани қабул қилиб, бойни оташи дўзахдин халос айлаб, бахиллиқ нажосатидин пок қилур. Масалан, бемор ҳижомат қилдурса (қон олдирса) бу бадандаги хуни фосидни чиқарғон сабабидин ҳижомат қилғучидин миннати чандон миқдор бўлур. Бу ғараз (мақсад) бирла касалнинг соғайишига сабаб бўлур. Бас, дарвешким, туфайли (балони бойдин) даъф қилмоқ бирла бахиллиқ нажосатидин пок айлаб, гарданидаги фарздин халос қилди. Бундин бой (юз чандон) миннатдор бўлғай.

Расули акрам айтибдурларки: Садақа аввало Ҳақ-таолонинг лутф қўлиға кирар, андин кейин дарвешлар қўлиға кирар. Бас, садақани (бой одам) Ҳақ-таолога берган бўлур. Ва дарвеш садақани қабул қилмоқда Худой-таолонинг нойибидур. Демак, бой дарвешдин миннатдор бўлғай ва миннат қилмағай.

Кишиким, асрори закотдин мазкур бўлгон уч сирни билса, билурки, миннат қилмоқ камоли жаҳолатдиндур. Ушбу важҳдин миннатдин эҳтиёт қилмоқда муқаддамлар (илгари ўтган зотлар) муболаға тамом қилибдурлар. Бу тариқа бирлаким, дарвешлар олдида қўл қовуштириб, тавозеъ бирла садақани олдида қўйуб, айтур эрдиларким, «Бу садақани мендан қабул қилғайсиз». Аксар дарвешлар қабул қилмабдурларки, «Закотни олгунча тавонгирнинг қўли, дарвешни қўлидин юқори бўлмоқи дарвешликға нуқс (нуқсон)» дебдурлар.

Ҳадиси шариф:

Ядул-ъулё хайрунмин ядис-суфла.

Яъни, юқоридаги қўл, тубанги қўлдин яхшироқдур. Яна иккинчи маъноси — Берувчи қўл олувчи қўлдан яхшироқдур, дейилади.

Ҳазрати Оиша ва уммус Салама анҳумо дарвешга хайр чиқарсалар айтур эрдиларки, «дарвеш қилгон дуосини ёд олгил. Ул дуо бирла биз ҳам дарвешни дуо қилғаймиз. Токим холис ва бетаъмаъ қилгон бўлғайсен.»

ФАСЛ. АНБИЁЛАР ҲАЁТИ. ХАВФ ВА РАЖО (УМИД)

Ҳикоят қилибдурларки, вақтики Иблис маълун бўлди, Жаброил ва Мекоил алайҳимус-салом доим йиғлар эрдилар. Ҳақ-таоло уларга ваҳий юбордики:

«Нима учун йиғларсизлар?»

Айдиларки: «Эй, бори Худоё, сенинг макрингдан эмин бўлмасмиз». Хитоб келдики: «Орий, менинг макримдин эмин бўлманглар».

Келтирибдурларки, ҳар бора ҳазрати Жаброил а.с. ҳазрати расулга вахий олиб келсалар, расул а.с.га хавфдин ларза тушар эрди. Вақтики, Иброҳим а.с. намозга турсалар, хавфдин бир йиллиқ ерга жўш ва хурўшлари ошинилур эрди. Мужоҳид розий-аллоҳу анҳу айтур: Довуд а.с. қирқ кун саждадин бош кўтармай йиғладилар, токим ашклари жўйборидин (кўз ёшлари дарёсидин) гиёҳлар ундди. Нидо келдиким: «Эй, Довуд, нима учун йиғларсан? Агар гурусна (оч) бўлсанг, таом берай, агар бараҳна (ялангоч) бўлсанг, либос берай, ва агар ташна бўлсанг шароб (сув) берай!» Бас, Довуд а.с. бу нидони эшитиб, андоғ йиғламоқлик қилдики, оҳи ўтидин унган гиёҳлар куйиб кетди. Бас, Худои-таоло уларнинг тавбасини қабул қилди.

Довуд ал-м айдики: «Эй, бори Худоё, қилгон гуноҳим кафимга битилгой эди, бу дуоларимни ижобат қилгил». Бас, ҳар бора қўлини таом ва шаробга узатсалар, аввал назарлари ул хатга тушиб, анча йиғлар эрди. Гоҳи (шундай) бўлур эрдики, сув қуйиб, ичмакка қўлига жом (қадаҳ, пиёла) олса, неча кўз ёшидин ул жом тўлуб-тошур эрди.

Ривоят қилурларки, Довуд ал-м онча йиғладиким, тоқати қолмади. Айдики: «Эй, бори Худоё, йиғламоғимга раҳм қилгил!»

Ваҳий келдики: «Ҳануз йиғламоқ сўзини айтурсан, қилгон гуноҳингни фаромуш қилдингму эркан? (Довуд а.с.) айдики: «Эй, бори Худоё, нечук фаромуш қилурман, гуноҳ қилмасдин илгари вақтики «Забур»ни ўқусам оқар сув ариғларда ва булутлар самоларда тўхтар эрди ва учар қушлар бошимда жамъ бўлур эрди, вухуш ҳўйур саҳролардин йиғилур эрди. (Эмди) булардин ҳеч бири йўқтур, эй бори Худоё, бу нечук ҳолдур?»

Нидо келдики: «Аввалги ҳол тоат ва ибодатни самараси эрди. Бу ҳол гуноҳ ва масъият касофатидур, ё Довуд. Одам менинг бандамдур, ани лутф ва марҳаматим қўли бирла офарида қилгон (яратгон) дурман ва руҳимни анга дамида қилгондурман. Ва малоикани анга сажда қилмоқиға фармон қилдим ва каромат халқасини анга кийдурдим. Ва виқор ва тамкин (сабот) тожини анинг бошиға қўйдум. Эрса танҳолигидин кила (арз) қилди. Ҳаввони офарида айлаб, ҳар иккисиға беҳишт давлатхонасидан жой бердим. Бас, биргина гуноҳ қилмоғи бирла (уларни) хору бараҳна (ялангоч қилиб) даргоҳимдин қувладим, ё Довуд, жон қулоғи бирла эшитгил: Вақтики, менинг тоат ва ибодатимни қилур эрдинг. Мен сенинг ҳожатларингни раво қилур эрдим. Бас, гуноҳ қилдинг. Мужаллат (жило, ҳашамат) бердим, тақи ҳамма ҳожатингни бериб турурман».

Яҳйо ибн Кушайр айтур: Довуд ал-м гуноҳиға таважжуҳ қилмоқни хоҳлади. Етти кунгача нимарса емас эрдилар ва хотунларига ёвуқ бўлмас эрдилар. Андин кейин саҳроға чиқиб, Сулаймон а. с. га мунодий қилур эрдиларким: Ҳақ-таолонинг бандаларидин ҳар кишиким, Довудни навҳасини — (йиғисини) эшитмоқни хоҳласа жамъ бўлсунлар деб. Бас, одамлар саҳролардин ва қушлар осмонлардин ва вуҳуш, саболар биёбон ва тоғлардин ул ерга мутаважжиҳ бўлур эрдилар. Эрса Довуд а. с. Ҳудои-таолони ҳамду саноси бирла ибтидо қилур эрдилар. Ва халқдин фарёд қўпар эрди. Андин кейин беҳишт, дўзах сифатларини баён қилур эрдилар. Андин кейин ўз гуноҳи ноласин оғоз (овоза) қилур эрдилар. Токи бисёр халқ хавф ва харос (қўрқувдин) ўлар эрдилар. Ул вақтда Сулаймон а. с. бошларида туруб, айтур эрдики: «Ё, падар, нолани бас қилингки, бисёр халойиқ ҳалок бўлдилар».

Йахё ибн Закариё а. с. Байтул-муқаддасда ибодат қилур эрди. Гўдаклик вақтида ани гўдаклар ўйинга чорлар эрди. Айтур эрдики: «Халлоқ-таоло мани ўйин учун халқ қилмагондур. Вақтики, 15 ёшга кирдилар. Саҳроға чиқиб, халқдин (олисда) канора тутди. Бир куни онаси орқасидан излаб борди. Кўрдики, аёғини (сувга) тиқиб ўлтурадур. Ва ташналикдан ҳалок бўлмоқа етибдур. Айтур эрдиким: Қасам сенинг иззат ва жалолинггаким, бу сувни ичмасман, то даргоҳингда ўзумни мақбул ва мардудлиғимни билмагунча. Бас, онча йиғлар эрдики, йўзини гуштини ашк сели вайрон қилиб, устихон ва тишларини баги бунёди намоён бўлур эрди. Халқнинг тамасхўр ва таънидин ихтироз қилиб, кўзига бир пора кигиз ёпиб юрур эрди. Ҳасабин бу навъ аҳволлари пайғамбар а. с. ҳикоятларида бисёрдур.

Аммо, ҳикояти саҳоба ва салаф раҳматиллоҳи алайҳим ажмаъйн бисёрдур. Билгилки, Абу Бакр Сиддиқ, р. а. онча шарофат ва улуғлиқлари бирла айтур эрдики: «Кошки учар қушлардин бўлсам, дерди. Ва Абу Зар (Ғифорий) р. а. айтур эрдики: «Кошки дарахт бўлсам эрди». Ойиша р. анҳо айтур эрдики: «Кошки ному нишоним бўлмагай эрди». Ва Умар ибн Ҳаттоб р. а. «Қуръон» эшитса беҳуд бўлуб, йиқилур эрди ва неча кун Ҳақ-таолога ибодат қилур эрдилар ва кўб йиғлагонидин юзларида икки хат (ажин) пайдо бўлур эрди, ва айтур эрдики: «Кошки Умар анодин туғилмагай эрди. Бир куни (у) саройни олдидан ўтиб боргунча эшиттиким, сарой ичидан бир киши бу оятни ўқудиким:

Инна азобу раббука лав аки.

Бас, бу оятни эшитиб, отдин ўзини беҳудона ташлаб, бетоқатликдин ўзини томларга (деворларга) урур эрди, ўйига олиб борур эрдилар. Бир ой касал бўлуб ётти. Касали сабабини ҳеч киши сўрамади.

Оятни тафсири улки, батаҳқиқ (ҳақиқатан) парвардигорнинг азоби ҳар оина воқеъ бўлғусидур.

Ҳазрати имом Ҳасан р. а. ҳар бора таҳорат олсалар, чеҳралари сарғарур эрди. Сўрдиларким: «Ё, имом, нима учун сарғарурсиз?» Айдилар: «Билурмусизларким, кимни олдида турурман, яъни, Ҳақ субҳона ва таоло намозда ҳозир ва нозирдур».

Ҳошим бин Аҳмад айтур: Яхши маконга талабгор бўлманглар, ҳеч макон беҳиштдин ҳўброқ ва беҳроқ эмасдур. Билурсизларким, Одам а. с. га не балолар келди. Ва ибодатни тўлалиғиға мағрур ва фарифта бўлмангларким, Иблис неча минг йил ибодат қилиб, на ҳолга қолди. Ва илм, фазилатнинг тўлалиғиға мағрур бўлмангларким, баъзи авлиё илмда онча мартабаға еттиким, исми аъзамни дарбар қилди. Анинг шаънида бу оят нозил бўлдики:

Ка-мислул калби ал-ойа авлиёу. (Баъзи авлиёлар ит каби хордур). Ва уламолар дийдорини кўрганга фирифта бўлмагилки, ҳазрати расул а. с. нинг хеш-ақраболари он ҳазрат а, с. бирла ҳамсуҳбат бўлдилар, аммо мусулмон бўлмадилар.

Сари Сақотий раҳм, алайх айтур: «Ҳар кун ойинаға қарарманки, хавфдин юзим қаро бўлғайми, деб. Ато Суламий раҳм, алайх ҳасрати хавфдин қирқ йил кулмади ва осмонга қарамади. Бир навбат осмонга қаради ва эрса хавфдин беҳуд бўлиб йиқилди. Ва агар халқга қаҳат балойи етса, айтур эрдики,: «Бу ҳама менинг шумлиғимдиндур, агар мен ўлсам халойиқга бу бало етмас эрди».

Умар ибн Абдул-Азиз р. а.нинг бир канизаги бор эрди. Айтдики: «Ё, амирал-муъминин, бу кеча ажаб туш кўрубман». Халифа айдиким: «Айтгил».

Канизак айди: «Дўзахни кўрдумки, тафсон ва сўзон, Саройга сирот кўфригин тортибдурлар. Ва халқни андин ўтмакга ҳайдарлар.

Аввал Абдул Малик Марвонни келтурдилар. Сиротга қадам қўймоқ бирла дўззахга етти. Ва андин кейин Волид ибн Абдул Маликни келтурдилар. Ул ҳам отаси йўлини тутти. Андин кейин, ё, амирал-муъминин, Сизни келтурдилар». Ва етти ҳамон Умар ибн Абдул-Азиз наъра тортиб беҳуш бўлуб йиқилди.

Канизак фарёд қилдиким: «Ё, амирал-муъминин, яъхшики, сиз саломат ўтдунгиз». Аммо, халифа ўзидин бехабар эрди. Бас, мунга ўхшаш ҳикоятлар бисёрдур. Билгилки, азизлар онча ибодат ва маърифат бирла қўрқарлар, ва сен онча маъсият ва жаҳолат бирла (дўзахдин) эмин бўлмоғинг камоли ҳамоқатдур.

Ҳамоно айтурларким, хавф ва ражо (умид) борасида ахбор ва осор (асарлар) кўп воқеъ бўлубдур. Бас, бу икки сифатдин қайси фозилроқ (фазилатлироқдур)? Жавоб: Айтурмизки, хавф ва ражо иккиси-да давои нўшдир, анинг манфаатли одамийнинг мижозиға нисбат қилмоқ бирла бўлур. Масалан, кишиким анинг тоат ва ибодати тўла бўлса, ражо судманд (фойдали)дур. Ва кишиким, гуноҳ ва маъсияти бисёрдур, хавф ғолиблиғи нофеъ (фойдали)дур. Ва агар гуноҳ, маъсият бирла тоат, ибодат баробардур, хавф ва ражони баробар тутғай. Вааллоҳу аълам бис-савоб.

ДАРВЕШЛИК ВА ЗУҲД БАЁНИДА Билгилки, диннинг мадори (қуввати) тўрт усулга мубайяндур. Андоғким, «Унвони мусулмоний»да баён қилдимки, ўз нафсини танимоқ ва Ҳақ-таолонинг зоти вожибул вужудини танимоқда, дунё ва охиратни аҳволи ва ҳақиқатини танимоқдадур. Бас, нафсдин кечмак худо учун (худо йўлида)дур. Дунёдин кечмак охират учундур. Бас, муъминга лозимдурки, ўз нафсидан кечиб, Ҳақ-таолони ўйлагай. Ва дунёдин кечиб, охиратни ўйлагай.

Бас, сабр ва хавф ва тавба ҳамма мақсуднинг муқаддимасидур. Ва дунёни дўстлиги муҳликот (ҳалок этувчидан)дур. Анинг иложи (юқорида) мазкур бўлди. Дунёни душман тутмоқ ва анингдин узилмоқ мунжит (нажот берувчи)дандур.

Бас, фақр (камбағаллик) ва зуҳд (покдомонлик) дунёдин халос бўлгондин иборатдур. Бўлгойки, аввал фақр ва зуҳднинг фазилатидин таниғайсен.

ФАСЛ. ФАҚР ВА ЗУҲДНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА Билгилки, ўзига ҳожат бўлур нарсадин ҳеч нима қўлида бўлмаса — ул фақрдур. Андин кейин ушбу вужуднинг боқий бўлмоғига (ўлмай юришига) муҳтождур. Бас, одамнинг аввал ўз вужудиға ҳожати бордур. Бас, бу мазкурдин ҳеч бири одамни ўз тасарруфида эрмас.

Ҳожатманд ва ғаний улдурки, ўзидин ўзгадин бениёз ва беҳожатдур. Бас, ғанийлик вожибул вужуд Худои таолодин ўзгага содиқ келмас. Андоғки, малоика ва инсон ва шайотин — ҳамма ўз вужуди бақосида Ҳақ-таолога муҳтождирлар. Чунончи, Ҳақ-таоло хабар берур:

Қавлуҳу таоло: Валлоҳул ғаний ва антумул фақран.

Тафсири улки, Аллоҳ-таоло бениёздур ва сизлар фақрдурсиз.

Ва ҳазрати Исо а. с. фақрни бу тариқа тафсир қилибдурларки.

Маъниси улдирки, тонг оттирурман амалим илкида кўрлик ҳолатида ва ҳамонки рўзғорим калиди ғайрнинг қўлидадур. Ва ҳеч фақр йўқдур мендин фақрроқ. Бас, ҳеч фақр одам (мендин) фақр ва муҳтожроқ эрмасдур. (Исо а. с. сўзи). Яна бу ҳақда оят бор.

... Оятнинг тафсири улки, берурга қаранг, подшоҳи бениёз ва соҳиби раҳматдур. Агар хоҳласа сизларни ҳалок қилиб, ўрнингларда хоҳлаган қавмини офарида қилур. Бас, ҳама халқ фақрдурлар.

Ва лекин аҳли тасаввуф ул кишини фақр дерларким, ўзида бу сифат ҳосил ва бу ҳолат ғолиб келгай ва ҳеч нимарсани ўз тасарруфида билмагай. Ва бу жаҳонда асл офариниш (яралиш)да аъмо, кар, ахмоқлар айтурларки: фақр улдурки, тоат ва савобдин ҳеч насибаси йўқ. Агар савобдин насибаси бўлса ани фақр деб бўлмас. Бу сўзлари зиндиқлиқ тухмидирки, шайтон уларнинг кўнглиға солибдур. Бу аҳмоқлар бу лафз хўблуқиға мағрур бўлуб, ўзларини зийрак ва донолар қаторида тутарлар.

Билгилки, фақр уч қисмдур. Аввали улки, дунёдин ҳеч насибаси бўлмас ва лекин ҳамиша дунё талабида бўлур. Муни фақри харис дерлар. Иккинчи улки, дунё талаб қилмас, агар берсалар рад ҳам қилмас, аммо бермаганига хурсандроқ бўлғай. Бу навъ фақрни қона (қаноатли) дерлар.

Билгилки, эмди фақрлик фазилатини баён қилурман, андин зуҳднинг фазилатини баён қилурман. Ҳақ-таоло дарвешларни мадҳида айтибдурким:

Лил-фақра ал-муҳожирийн

Фақрни ҳижратга тақдим қилибдур. Расул а. с. айтубдурлар: «Ҳақ-таоло дарвеш порсони дўст тутар. Ё, Билол, вақтики, бу оламдин борсанг, дарвешлик бирла борғил. Ва тавонгарлик (давлатмандлик) бирла ўлмагил ва бормагил».

Ва яна айтубдурлар: «Мени дарвеш умматларим тавонгар (бой) умматларимдин 500 йил илгари бехиштга кирарлар. Ва яна айтубдурлар: «Умматларимнинг беҳроғи (яхшироғи) дарвешлардир ва илгарироқ беҳиштга кирувчи».

Ва яна айтубдурлар: «Мени икки ҳунарим бордур. Ҳар киши ул икки ҳунарни дўст тутар, мени дўст тутубдур. Бири фақрлик, яна бири ғазот қилмоқдур».

Ривоят қилибдурларки, Жаброил а. с. айди: «Ё, Муҳаммад» Худои-таоло сизга салом деди. Ва айтадурки, дўстим Муҳаммад хоҳласа Ер юзидаги тоғларни олтин қилурман ва ҳар ерга хоҳласа мол жамъ қилмоқ бирла боргай».

Ҳазрати Расул а. с. айдилар: «Дунё бесаройларнинг саройи ва беморларнинг молидур. Бу дунёда мол жамъ қилмоқ беақл ва нодонлар ишидур».

Ҳазрати Исо а. с. кўрдиларки, бир киши уйқулаб ётибдур. Айдиларки: «Турғил, Худои-таолони ёд қилгил». Ул киши айди: «Мендин нима истарсанки, дунёни аҳли дунёга қўюбдурман».

Исо а. с. айдилар: «Уйқулагил, эй дўст, яхши уйқулагил».

Ҳазрати Мусо а. с. кўрдиларким, бир киши туфроқ узасида бошиға ғишт қўюб, ётибдур. Бир кўҳна кигиздан ўзга ҳеч нимарсаси йўқ. Мусо а. с. айдиларки: Ё, бори худоё, бу сенинг солиҳ бандангдурки, ҳеч нимарсаси йўқдур». Ваҳий келдики, «Ҳар кишигаки, менинг раҳм, иноятим юз келтирубдур, дунёни анингдин олурман».

Абу Рофъе р. а. айтур: Ҳазрати Расул а. с. га меҳмон келди. Расул а. с. айдиларки: «Фалон жуҳуд қошиға боргил, бирмунча ун қарз берсун. Мен ражаб ойининг аввалида берурман. Бас, (меҳмон) Расул а. с. нинг сўзларини бориб, жуҳудга айтди. Жуҳуд қабул қилмади. Айдики: «Токи ғаров бермагунча бермасман». Эрса воқеани расул а. с. га еткурди. Айдиларки: «Осмон ва заминнинг аминидурман. Агар берса, қарзини берур эрдим. Зирҳли убба (кўйлак)ларини бердилар. Ғаров қўйиб ун келтурди.

Ҳазрати Расул а. с. айтибдурлар: «Менга беҳишт, дўзахни кўрсаттилар. Кўрдимки, аҳли беҳиштнинг тўлароқ (кўпроқ)лари дарвешлар эркан. Ва аҳли дўзахни кўпроғи тавонгар (бойлар) экан».

Ва ҳазрати Расул а. с. айтибдурлар: «Қиёмат куни дарвешларни эъзоз-икромлар бирла Ҳақ-таолонинг даргоҳига келтирурлар. (Уларга) Ҳақ-таоло оғоз қилиб айтурларким: «Эй, дарвешлар, сизларни хору бе-эътибор (қилган) дунёни сизлардан дариғ тутдим. Балки сабаби бул эрдиким, дунё нажосатидин пок тутмоқ бирла охиратнинг улуғ каромат ва хилъатларин сизларга ато қилғаймен. Бас, бу вақтда ҳашргоҳ (маҳшаргоҳ) сафига киринглар. Кишики, мени ризолиғим учун сизларга таом ва экин берубдур, уларни шафоат қилинглар».

Эрса ул дарвешлар ҳашргоҳи қиёматдин хайр, эҳсон қилгонларнинг қўлини тутуб, беҳиштга элтурлар.

Ҳазрати Али карамаллоҳу важҳаҳу расул а. с. дин ривоят қилиб айтибдурларки:

«Ҳар вақтки, халойиқ дунё жамъ қилмоқга ва иморат қурмоқга ружу қилсалар, дарвешларни душман тутсалар, Ҳақ-таоло уларни тўрт балога мубтало қилур: Қаҳат балоси, подшоҳи жобир ва қози, хиёнаткор ва шавкатлиг кофирларни уларга мусаллат (салтанаткор) қилур.

Ибн Аббос р. а. айтур: Маълундур ул кишиким, тавонгар (бой ва амалдор)ларни азиз кўргай. Келтирибдурларки, тавонгарлар ҳеч бир мажлисда Суфиён Сурий р. а. нинг мажлисидагидек хор бўлмас эди.

Агар тавонгарий (амалдор) мажлисга кирса ҳамадин паст ўтурғузуб, хор тутар эрди. Дарвешларни уз ёнида ўтирғузиб, эъзоз-икром қилур эрди.

Ва Луқмон а. с. ўғлига насиҳат қилиб айтур эрдики: «Ўғлим, эгни кўҳналарни (эски кийинганларни) ҳақир кўрмагилки, сенинг худойинг ва анинг худои бирдур». Яҳё ибн Маъоз айтур: «Агар одам фарзанди дарвешлигидан (фақрлигидан) қўрққандек дўзахдан қўрқса, ҳар иккисидин эмин бўлур эрди. Ва агар дунё талаб қилгондек, муҳаббатни талаб қилса ҳар иккисини топар эрди. Агар зоҳирда халқдан (одамлардан) қўрққандек, ботинида (кўнгилида) Ҳақ-таолодан қўрқса дунё ва охиратда некбахт (саодатли) бўлур эрди».

Иброҳим Адҳам айтур: «Бир киши менга 10 минг дирҳам назр-ниёз келтирди». Иброҳим қабул қилмади. Ул киши кўп илтижо қилди. Иброҳим айди: «Хоҳларсенким, бу миқдор нажас дунё учун отимни фақрлик девонидин зоил қилмағаймен, ҳаргиз қабул қилмасман».

Ҳазрати Расул а. с. айтибдурлар: «Саодатманд ул кишидурким, дини исломга мушарраф бўлгай ва кифоя қилгунча дунёга қаноат қилгай. Ва айтибдурлар: Эй, дарвешлар! Дарвешлиқга сидқ бирла (чин дилдан) рози бўлингларким, то савоб топғайсизлар». Ва гар на савоб топмассизлар, бас, бу ҳадис далолат қилурки, дарвеши харис (таъмагир) савоб топмас.

Ва яна айтибдурлар: «Ҳар нимарсанинг калиди бордур. Беҳиштнинг калиди — дарвеши собир (яъни сабрли дарвешни) дўст тутмоқдурки, қиёмат куни улар (дарвешлар) Аллоҳ-Таолонинг ҳамнишинларидурлар».

Ҳақ-таоло Исмоил а. с. га ваҳий юбордики, «Мени (даргоҳимга) шикастадиллар қаторида келгил». Исмоил а. с. айди: «Улар кимдур?» Хитоб келдиким: «Дарвеш содиқлардир».

Ҳазрати Расул а. с. айдилар: «Ҳақ-таоло қиёмат куни айтурким: Халқдин айириб олгон хос бандаларим қайдадур?» Фаришталар айтурлар: «Эй, парвардигор, улар кимдур?» Ҳақ-таоло айтур: «Дарвеш мусулмонлардурким, мени бергонимга рози бўлур эрдилар». Бас, ҳамма дарвеши содиқларни беҳиштга киргузурлар.

Абу Дардо р. а. айтур: «Оқил деб бўлмас ул кишиниким, дунёнинг зиёда бўлгониға шод бўлғай, умри ғафлатда ўтганидин ғамгин бўлмагай». Билгилки, баъзи дарвеши собирларни тавонгар (бой,амалдор) шокирдин фозилроқ дебдурлар. Ва баъзилар тавонгар шокирни (шукр этувчи давлатмандни) фозил санабдурлар. Бас, дарвеши собир фозилроқдур. Аммо, агар хоҳласангки, ҳақиқат корини билгайсен, ҳар нарсаики, Ҳақ-таолонинг зикрига монеъдур (худони ёдлашга халал берса) мазмум (гуноҳли)дур.

Бас, баъзиларга дарвешлик ва баъзиларга тавонгирлик монеъ бўлур. Тафсири буким, ҳожатга кифоя қилгунча моли бўлмагонидин бўлгони авлороқдур

Бугун — ийд Рамазон байрами

Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм, ҳамду санолар холиқи коинотга бўлсин.

Азиз мўмину ва мусулмонлар ҳамда ватандошларимиз ўтиб бораётган Мохи рамазон ва Лайлат-ул Қадр кечасидаги баракотлар келаётган рамазон ҳайити ҳаммамизга муборак бўлсин. Алҳамду-лиллаҳ вал минна, эркинлик ва эзгу ниятлар билан рамазон рўзаларини тутдик. Ўзбекистондаги катта жоме масжидларимизда хатми Қуръон тўлиқ ўқилиб, ниҳоясига етказилди, барча катта-ю кичик аҳли жамоат Оллоҳ таолодан икки дунё саодатини, мустақил давлатимизнинг равнақи доимо осойишта бўлишини сўраб, ҳамда ҳаётимизга, турмушимизга барокатлар ато қилишини сўраб, хайру дуолар қилмоқдалар.

Биз улуғ ва шарафли кунларда яшамоқдамиз. Юртимиз бошлиғи ҳурматли жаноби Ислом Каримовнинг динимиз ривожига кенг йўл очиб берганлиги, мусулмонларнинг хаж сафарига боришлари учун қулай имкониятлар яратганлиги ҳаммамизни беҳад мамнун этмоқда. Ислом байрамлари — ҳайит кунлари мамлакат миқёсида дам олиш кунлари деб эълон қилинганлиги олий таҳсинга лойиқ.

Мустақиллик шарофати туфайли давлатлараро дўстлик алоқалари чиндан ҳам бебаҳо самаралар бермоқда. Илгари бундай алоқалар ҳақида гапириш қийин эди. Бу халқаро алоқаларнинг бир самараси мисоли сифатида рамазон ойида Туркия ва Миср мамлакатларидан Қуръон офизлари диёримизга марҳамат этиб, хатми Қуръон этишимизда давраларимиз тўрига чорланди. Меҳмонларимиз тиловатини тинглаб катта маънавий озиқ олдик, бу тиловатларда ўтган авлод-аждодларимиз руҳи покларига дуолар ўқидик.

ТИНЧЛИК ВА БАРАКОТ НАСИБУ РЎЗ АЙЛАСИН

Мустақил Ўзбекистонимизнинг барча мусулмонлари масжидларда Рамазон ҳайити намозини ўқиш учун муносиб ихлос ва олий ният билан ҳозирлик кўрмоқдалар. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда беш ярим минг масжид мавжуд экан, бугун уларнинг барчаси тонг саҳардан бошлаб янада файзли бўлишига ишончимиз комил.

Куни-кеча мамлакатимиз Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлди. Бу анжуман ғоят кўтаринки руҳ ва зўр ҳамжиҳатликда ўтиб, давлатимиз ва халқимиз тараққиёти учун бир қатор фойдали тадбирларни белгилади. Президентимиз маърузасини қизиқиб, мароқ билан тингладик, рўзномалардан мутолаа қилдик. Юртбошимиз динимизнинг катта тарбиявий аҳамиятига тўғри баҳо бериб, шундай дедилар: «Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўгитларга амал қиладилар. Меҳр оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар».

Юртбошимиз айтгандек, бизнинг Туркистон заминимиз муқаддас ғоялар ва тариқатларнинг ватани. Биз мусулмонлар ана шу ватаннинг чинакам фидойи кишилари бўлмоғимиз шарт ва фарз. Хайрли ишларимизда Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баховуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро ғоялари ҳам ҳаммамизга мададкор бўлсин.

Келаётган, Улуғ айёмингиз муборак бўлсин.

Омониллаҳожи ИСМОИЛ ЎҒЛИ
«Новза» жоме масжидининг имом хатиби.

ИЙМОН-ЭЪТИҚОДГА ОИД БОШҚОТИРМА

БЎЙИГА: 1. Мусулмонларда номаҳрамлар учун бедаҳл деб ҳисобланадиган жой. 2. Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёти, кўрсатмалари ва ривоятларидан иборат муқаддас манба. 4. Ислом тақвимида ҳафтанинг охирги, улуғ куни. 5. Ислом анъанасида мусулмон қўшинлари қўлга туширган ўлжаларнинг бешдан бир қисми. 6. Масжидда азон айтиб, номозга чорловчи шахс. 8. VIII асрнинг иккинчи ярмида Моваройннаҳрда Араб халифалиги ҳукмронлигига ва ислом динининг киритилишига қарши халқ ҳаракатларининг бошлиғи. 9. Исломнинг беш асосий рукнларидан бири. 10. Ислом динида Оллоҳ сифатларидан бири. 13. Илоҳий кучлардан кўрсатма олган, деб эътиқод қилинадиган шахсларнинг умумий номи. 14. Ислом динида «нариги дунё» ҳақидаги тушунча. 19. Ҳижрий йил ҳисобининг муқаддас ойи. 20. Ҳадисларни тўплаш ва тартибга солиш билан шуғулланган йирик илоҳиётчи, муҳандис. 23. Диний тасаввурларга кўра инсоннинг руҳий моҳияти. 24. Муқаддас зот. 26. Илтифот, олийжаноблик. 27. Афсонавий пайғамбар. 28. Шиаларда ўтказиладиган мотам маросимлари кунлари. 29. Мусулмонлар орасида тарқалган диний тасаввурга кўра инсон руҳи.

ЭНИГА: 3. Ислом диний ҳуқуқ тизими. 7. «Қуръон»да тўрт бош фариштанинг умумий номи. 11. Ислом ислоҳиётида бирор ишга худодан ривож тилаш, оқ фотиҳа бериш. 12. Хайр-эҳсон. 15. Исломга хос, бажарилиши фарз ҳисобланган ибодат шакли. 16. Турмуш қуришнинг исломга хос диний шакли. 17. Ислом дини тарқалган мамлакатларда билимдон кишилар, олимлар, руҳонийлар, уламолар унвони. 18. Аҳолисининг 65 фоизидан кўпроғини мусулмонлар ташкил қилган Африкадаги давлат. 21. Ислом илоҳиётининг илк шакли. 22. Суфийлар қиядиган, ўзбеклар орасида жанда деб аталган устки кийим. 25. Исломда тўрт-бош фариштадан бири. 27. Масжид ва мадрасалар ёнида ёки уларга туташ қурилган баланд иншоот. 30. Кўп динларда учрайдиган оловга топиниш маросими иштирокчиси. 31. Макка шаҳри шарқидаги тепалик номи.



АЙЛАНА БЎЙЛАБ: 1. Бир йилда икки бор нишонланадиган байрам. 2. Рамазон ойи давомида ўқиладиган намоз. 3. Ислом мифологиясидаги афсонавий шахс. 4. Исломнинг «дин асослари»га кирган бешта маросим талабларидан бири. 5. Мусулмонларда янги туғилган болага исм қўйиш муносабати билан ўтказиладиган маросим. 6. Намоз вақтини эълон қилиш ва унга даъват этиш. 7. Ўзларини Муҳаммад авлодларидан деб ҳисоблайдиган сайидлар жамоаларининг етакчилари лавозими. 8. Афсоналарга асосланиб, келажак ҳодисаларини олдиндан айтиш.

Тузувчи Шавкат ҲИДОЯТОВ.

КЎЧМАС МУЛК - ЎЛМАС САРМОЯДИР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ВА РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ МУЛК ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ 1995 ЙИЛ 23 МАРТДА СОАТ 11 ДА ПАРКЕНТ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ЗАЛИДА КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога Паркент туманида жойлашган қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:

Паркент шаҳар Қўйгантоқ маҳалласидаги 22 та ер майдони. Ҳар бирининг майдони — 400 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 4 минг сўм.

Паркент шаҳар Бўзанжар маҳалласидаги 16 та ер майдони. Ҳар бирининг майдони — 400 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 4 минг сўм.

Паркент туманидаги Кўмқишлоқ қишлоғидаги 9 та ер майдони. Ҳар бирининг майдони — 440 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 4 минг 400 сўм.

САВДОГА ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАР ЭСА ЕР МАЙДОНЛАРИ БИЛАН БИРГА ҚЎЙИЛМОҚДА:

"Паркент" кахвахонаси
Бошланғич баҳоси — 350 минг сўм.
Паркент шаҳридаги саноат моллари дўкони
Бошланғич баҳоси — 80 минг сўм.
Паркент шаҳридаги чойхона
Бошланғич баҳоси — 40 минг сўм.

Қоракалпоқ қишлоғидаги саноат моллари дўкони
Бошланғич баҳоси — 110 минг сўм.
Шампань қишлоғидаги хўжалик моллари дўкони
Бошланғич баҳоси — 75 минг сўм.
Қирғизоул қишлоғидаги хўжалик моллари дўкони
Бошланғич баҳоси — 80 минг сўм.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар қуйидаги манзилларда қабул қилинмоқда:

Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51, 3-қават, 109-хона (Тошкент вилоят ҳокимлигининг биносида).
Паркент шаҳрида (туман ҳокимлиги биносида. Хусусийлаштириш бўлими).

Маълумот учун телефонлар:

Тошкент шаҳрида — (3712) 33-08-65. Паркент шаҳрида — (272) 22-851.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 6

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
18.45 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Ислоҳот ва масъулият».
19.40 «Сен баҳорни соғинмадингми?» Мусиқий композиция.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Бевосита мулоқот.
22.00 Абдулла Қодирий. «Меҳробдан чаён». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг телепремьераси.
24.00 — 00.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Деҳқон химмати».
19.30 «Қайфият».
20.10 «Экология ва ҳаёт».
20.50 «Само остидаги юлдузлар».
21.30 «Бу бўстон аро...»
22.00 — 23.40 «Соқов ва муҳаббат». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ўзбекистон ботаника боғи». Телефильм.
20.10 «Булоқлар кўз очганда».

*

«ОМАД» таништиради:
20.30 «Совға».
21.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
21.15 Жаҳон географияси.
22.05 Эълонлар.
22.10 Видео — «О».
23.55 «Қўрьер».
00.15 «...яна об-ҳаво ҳақида...»
00.25 «Постфактум».
00.35 — 00.55 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Лабиринт».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.55 «Агар...». Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Спорт уик-энди».
21.55 — 22.50 «Сизга аталган учрашув». Л. Смирнова.

СЕШАНБА, 7

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Қирқ биринчи йил олмалари». Бадиий фильм.
10.20 «Баҳор лавҳалари». Манзарали фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. География.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00 Болалар учун. «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
12.40 «Онага таъзим». Мусиқий кўрсатув.
13.15 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
13.50 — 14.20 «Тилга эътибор...».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Турфа ҳангомалар».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади.
23.00 — 23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
19.15 Янгиликлар.
19.20 «Ҳусусийлаштириш: қадамбақадам».
19.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.05 Видеогид.
20.25 «Теле — ателье — шоу».
20.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.55 — 23.15 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.15 «Қалбим қўри».
21.55 «Манбалар».
22.35 «Кашфиётлар ва ихтиролар».
23.15 — 23.25 «Би-Би-Си» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «Санъат қасри».
18.25 «СБ» жумбоғи».
18.35 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Илк манбадан».
21.50 — 22.20 «Гол».

ЧОРШАНБА, 8

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Тангалик болалар». Бадиий фильм.
10.20 «Кичкинтой» студияси. «Онажоним — жонажоним».
10.50 «Баҳор мушоираси». Адабий кўрсатув.
11.30 Эстрада калейдоскопи.
12.15 «Ёшлик» студияси. «Фақат Сиз билан!»
13.15 «Гул кўп, чаман кўп».
13.45 — 15.45 «Паранжи сирлари». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Гулғунчалар».
18.25 «Ишбилармон».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25. «Спортимиз маликалари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Биз, эркаклар, хизматда». Байрам дам олиш дастури.
22.30 «Суюнчи». Бадиий фильм.
23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
10.00 — 13.00 «Аёллар, Сизлар учун!»

***

18.30 «Даниил». Мультфильм.
18.55 «Акс-садо».
19.25 «02» тўлқинида.
19.50 «Ёдингдами, дўстим...»
20.05 «Тошкент оқшомида».
21.05 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
21.50 — 22.20 «Коллекция».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Заречная кўчасида баҳор». Бадиий фильм.
21.25 — 00.25 «Омад» таништиради: «Қитъа спорти».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.05 «Ҳаётимсан, театр!». «Ромэн» театрида Н. Сличенконинг юбилей кечаси.
18.30 «Тиғиз пайт».
19.00 Пьер Ришар «Қора ботинкали новча киши» бадиий фильмида (Франция, 1972 й.).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50 «Қиш билан хайрлашув». Мусиқий кўрсатув.
22.45 — 23.30 «Кино юлдузлари». Жан-Поль Бельмондо.

ПАЙШАНБА, 9

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 «Фармон ва ижро».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
12.00 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
12.20 «Ёшлар билан юзма-юз».
12.50 — 14.50 «Синов даври». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Фан уфқлари».
18.35 «Қария». Ҳужжатли фильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Особийшталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
19.40 Қодир Жўрақулов куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Юрт ҳақида қўшиқ». Публицистик кўрсатув.
21.45 «Нодирабегим». Бадиий фильм.
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозиба».
18.55 «Бир шингил ҳангома».
19.05 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.20 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле—ателье—шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45 — 23.05 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Безнен мирас» (татар тилида).
20.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
21.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.40 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.40 — 23.10 «Кўнгил кўприклари».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Ихтиёрий программа. Англиядан кўрсатилади.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Луи-Жан Люмьер.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Ихтиёрий программа. Англиядан кўрсатилади.
20.20 «Москва, Кремль».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 — 23.20 Кино асри. «Генрих VIIIнинг шахсий ҳаёти». Бадиий фильм (Буюк Британия, 1933 й.).

ЖУМА, 10

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви

*

9.00 «Маҳтумқули». Бадиий фильм.
10.25 «Қафолат».
10.55 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
11.35 «Ўзингни эр билсанг...»
12.15 — 14.15 «Ёшлик» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Турон тулпорлари». Спорт кўрсатуви.
18.25 «Кашф этилаётган имкониятлар».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Ҳилол» студияси. «Авто плюс...»
19.40 Самарқанд вилоят филармонияси артистларининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
21.45 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. «Яна Фармонбиби хонадонида».
22.30 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Спорт — тайм» видеоканали:
— «Соккер-клуб».
— «Лидер».
— «Арт-спорт».
— «Юниор».
21.10 — 22.50 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
20.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:
21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 «Панорама».
22.00 «Компьютер—Осиё».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Кимга қанақа?».
23.15 «Даракчи».
23.25 Эълонлар.
23.30 Видео — «О».
01.00 — 01.30 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «Сизга қўшиқ куйлаб бераман».
18.20 «Инсон ва қонун».
18.50 Янгиликлар.
19.00 Мультфильм.
19.10 «Серпантин». М. Захаровнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 — 22.45 «Детективлар клуби»да. «Машҳур детективлар». Телевизион бадиий фильм. 3-фильм — «Тўртовлоннинг белгиси» (Франция, Швейцария, Германия).

ШАНБА, II

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Сиздан угина, биздан бугина». Бадиий фильм.
10.25 «Актёрлар ва роллар». Тожибой Норматов.
11.25 Нодира Султонова куйлайди.
11.55 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
12.25 «Ёшлик» студияси. «Мўъжизалар оламида».
13.05 — 15.05 «Тимсол» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўзбек мультипликациясининг 30 йиллигига. «Кичкинтойларнинг севимли саройи».
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб...»
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Назм ва наво». Фурқат лирикаси.
21.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
22.00 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
9.45 Янгиликлар.
9.50 «Ҳусусийлаштириш: қадамбақадам».
10.10 Видеогид.
10.55 «Теле — ателье — шоу».
11.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.45 «Кинонигоҳ».
13.25 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).
13.45 — 18.30 «Спорт қитъаси».

*

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Учқун».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
19.55 — 21.35 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик».
11.00 «Мюзик-холл».
11.30 — 12.00 «Тадбиркорлик мактаби».

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Гул ва ...»
20.35 «Интердиалог».
21.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.35 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда».
22.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.15 «Бу ажиб дунё».
22.35 «Ўзбекистон чет элликлар нигоҳида».
23.05 — 23.15 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Брэйн ринг».
18.50 «Улкан сайёра».
19.45 «Бешинчи бурчак». Телесериал, 5-серия (АҚШ, «Коламбия пикчерс»).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 — 22.45 «Каин ва Авел». Телесериал. 5-серия (АҚШ, «Коламбия пикчерс»).

ЯКШАНБА, 12

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 ЎзТВ хазинасидан. Э. Усмонов. «Қўриқонада». Телеспектакль.
12.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.55 «Кўнгил мулки». Ҳ. Ҳ. Ниёзий.
13.30 — 15.30 «Санъат сеҳри». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Еттига етти». Телеўйин.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ойнаи жаҳонда...»
19.55 Киноконцерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.55 «Армон». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.15 — 23.45 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«Омад» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 Жозиба.
10.25 «Бир шингил ҳангома».
10.35 «Ишингиз бароридан келсин!»
10.50 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.10 «Теле—ателье—шоу».
11.20 Видео янгиликлари.
11.45 Янгиликлар.
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 «Кинонигоҳ».
14.15 — 14.35 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).

***

17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
17.45 Жаҳон географияси.
18.35 Эълонлар.
18.40 Видео — «О».
20.20 Эълонлар.
20.25 «Қўрьер».
20.45 «... яна об-ҳаво ҳақида».
20.55 «Постфактум».
21.05 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).
21.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.35 «Панорама».
22.05 «Салом, ёшлар!»
22.45 «Даракчи».
22.55 Эълонлар.
23.00 — 00.40 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультфильм.
9.40 «Жонли сайёра».
10.00 «Коллекция».
10.20 «Менинг кўчам».
10.35 «Олтин атиргул» ғори». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Италия). 7-қисм (рус тилида).
11.25 «Маски-шоу».
11.40 «Кинематограф».
13.20 — 13.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.05 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.15 Мультфильм.
18.25 «Мулимэлу». Телевизион ҳужжатли фильм.
18.35 Е. Шаврина куйлайди.
19.40 «Бутун Россия». Кичик шаҳарлар. Калуга.
20.25 Пьер Ришар «Новча маллаҳоч кишининг қайтиши» бадиий фильмида (Франция, 1974 й.).
22.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
22.55 — 23.15 «Бомонд».

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 7 март, сешанба куни чиқади.)

Тошкент Давлат университети маъмурияти ва ўзбек филологияси факультети жамоаси ўзбек тили кафедрасининг катта ўқитувчиси, Гулнора Аҳмедовага онаси, кекса матбуотчи

Зуҳра ТОЛИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖУРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона – 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда – 5-27-11; Жиззахда – 3-31-86; Нукусда – 7-58-83; Ургончда – 6-51-35; Фарғонада – 26-37-16; Бухорода – 3-54-87; Навоийда – 3-75-43; Самарқандда – 35-22-90; Қаршида – 3-25-79; Гулистонда – 2-26-22; Наманганда –6-43-43; Тошкентда– 32-26-70; Қумқўрғонда – 5-26-24.

Руйхатдан ўтиш тартиби №00 120. Газета офсет усулида А–2 форматида босилади. Ҳажми 2 босма табоқ. Г – 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи Н. ШОНИЁЗОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 21.00.

1 2 3 4 5 6.